

ЎЗБЕКИСТОН МАТБУОТ ВА АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ

ПРЕСС - РЕЛИЗ

**Ахборот ва сўз эркинлигини таъминлашда оммавий ахборот
воситалари иштирокининг долзарб
масалалари тўғрисида матбуот анжумани**

ПРЕСС - РЕЛИЗ

“Ахборот ва сўз эркинлигини таъминлашда оммавий ахборот воситалари иштирокининг долзарб масалалари” матбуот конференцияси

2016 йил 23 декабрь куни соат 15.00 да Миллий матбуот марказида “Ахборот ва сўз эркинлигини таъминлашда оммавий ахборот воситалари иштирокининг долзарб масалалари” матбуот анжумани бўлиб ўтади. Анжуман ташкилотчиси: Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг дастлабки кунларидан ҳар томонлама етук, мустақил фикрлайдиган, ўз ҳаётий позицияси, қатъий ишончга эга, жамият ҳаётида муносиб ўрин эгаллашга қодир, мамлакатни ислоҳ этиш ва янгилашда ҳал қилувчи ва таянч бўла оладиган ёшларни шакллантириш мамлакатни модернизация қилишнинг муҳим вазифаси этиб белгилан.

Авваламбор шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш лозимки, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов томонидан илгари сурилган “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси”да соҳанинг устувор йўналиши сифатида оммавий ахборот воситаларининг фуқаролик жамияти институтлари тизимидаги ўрни ва ролини янада мустаҳкамлашнинг долзарб вазифалари этиб белгилаб берилган бўлиб, уларнинг фаол ижроси оммавий ахборот воситаларини янги босқичга кўтаришга хизмат қилмоқда.

Соҳанинг давлат томонидан кенг қўллаб-қувватланиши замирида мамлакатимизда демократик жараёнларни чуқурлаштириш, аҳолининг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, фуқароларнинг ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш, юртимизда амалга оширилаётган буюк бунёдкорлик моҳиятини жаҳон ҳамжамиятига етказиш, ёшларимизни баркамол авлод этиб тарбиялаш каби эзгу мақсадлар мужассам эканини таъкидлаб ўтиш лозим.

Эътиборингиз учун шуни айтмоқчиманки, ҳозирда мамлакатимизда оммавий ахборот воситаларининг самарали фаолият кўрсатиши учун 10 дан ортиқ қонун ва 30 га яқин қонуности ҳужжатлари қабул қилинган.

Бугунги кунда Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан газета, журнал, ахборотнома-бюллетень, радио, телевидение, ахборот агентликлари, веб-сайтлар каби жами **етти** турдаги оммавий ахборот воситалари давлат рўйхатида олинмоқда.

Қайд этиб ўтиш лозимки, мустақилликнинг илк йилларида уларнинг умумий сони **395** та бўлган бўлса, бугун, яъни 2016 йилнинг 1 декабрь ҳолатига кўра, жами оммавий ахборот воситаларининг сони **1507** тани ташкил этади. Уларнинг мингдан ортиғи босма даврий нашрлар, яъни газета, журнал, ахборотномалар, 4 та ахборот агентлиги, 65 та теле, 35 та радиоканаллардан иборатдир. Агентлик томонидан рўйхатга олинган даврий нашрларнинг **155** тадан ортиғи ёшлар, болалар ва ўсмирлар ва спорт йўналишларига ихтисослашгани ҳам соҳанинг болалар ва ёшлар тарбиясига қаратилаётган эътибордан далолат беради.

Мамлакатимизда анъанавий ахборот воситалари билан бир қаторда, ёшларимизнинг эҳтиёжига кўпроқ мос келадиган интернет журналистика ҳам тез суръатлар билан ривожланмоқда. Сўнгги беш йилнинг ўзиде веб-сайтларнинг сони 2,5 баробар ортиб, 350 дан ошиб кетгани, давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, миллий ахборот маконининг мазмуни ва манзарасини тубдан ўзгартиришга хизмат қилмоқда.

Шунингдек, матбуот, телевидение ва радиоканалларнинг глобал интернет тармоғига киришига кенг йўл очиб берилиши **бир томондан** мамлакатда амалга оширилаётган ислохотлар жараёнини ёритишда муҳим омил бўлўлаётган бўлса, **иккинчи томондан** ўсиб келаётган авлод вакиллариининг турли манбалардан холис ахборот олиш имкониятини кенгайтирмоқда.

XXI асрда – яъни глобаллашув асрида турли ижтимоий тармоқлар орқали ахборот алмашинуви жадал кечаётгани жамиятнинг онгу шуурида кучли акс-садо бермоқда. Ушбу

жараёнда дунёқараши, сиёсий-ҳуқуқий маданияти тўлиқ шаклланиб улгурмаган ўғил-қизлар турли ғаразли мақсадларда тарқатилаётган ахборот оқими домига тушиб қолиш эҳтимоли йўқ эмаслигини ҳаммамиз яхши тушунамиз.

Бу болалар ва ёшларга мўлжалланган оммавий ахборот воситалари фаолиятини янада такомиллаштириш, эртамик эгаларини ватанпарварлик, миллий қадриятлар руҳида тарбиялаш билан бир қаторда турли маънавий таҳдидлар, ахборот хуружларининг салбий таъсирларидан ҳимоялашга қаратилган чора-тадбирларни ҳаётга изчил татбиқ этишни тақозо этмоқда.

Бугунги кунда бевосита ёш авлод таълим-тарбиясига йўналтирилган босма оммавий ахборот воситалари, марказий ва ҳудудий телерадиоканаллар келажагимиз ворисларини ҳар томонлама уйғун ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

ОАВнинг Интернет глобал тармоғига кириш имкониятларини кенгайтириш борасида бир қатор чоралар белгиланиб, ижрога қаратилган. Жумладан, фаолият кўрсатаётган **30 мингдан** зиёд веб-сайтларнинг аксарияти ахборот шакллантириш ва тарқатиш характердаги ахборот ресурсларидир. Улар интернет тармоғи орқали ўзбек ва саккизта хорижий тилларида ахборот тарқатмоқдалар. Жаҳон интернет-ахборот мақониди миллий ахборот сегментининг ошиб бориши эса Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини кўтаришга, аҳолининг тинч ва фаровон ҳаётини тарғиб қилишга хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги соҳадаги ҳамкор ташкилотлар билан ҳамкорликда оммавий ахборот воситаларининг вояга етмаганларни миллий қадриятлар руҳида тарбиялаш ва зарарли ахборот хуружларидан ҳимоя қилиш масаласига алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Ҳозирда соҳада ахборот хавфсизлигини таъминлаш бўйича муайян қонунчилик базаси яратилди, аҳолининг Интернет тармоғидан фойдаланиши кенгаймоқда, миллий ахборот мақонини бойитиш чоралари кўрилмоқда, хусусан, таълим соҳаси ва ёшларга мўлжалланган кенг қўламли ахборот ресурсларини шакллантириш, ёшлар билимини оширишга қаратилган веб-сайтларни оммавий ахборот воситалари сифатида рўйхатдан ўтказиш борасида жуда кенг қулайликлар яратилган.

Умумий фойдаланиладиган ахборот-коммуникация тармоқлари орқали тарқатилаётган ахборот реклама маҳсулоти, электрон ва компьютер ўйинлари, кино, видео ва бошқа аудиовизуал маълумот ва материалларни айлантиришда болаларга руҳий ва маънавий таъсир кўрсатмоқда, уларни хатарли, тажоввузкор, шафқатсиз, жамиятга қарши хатти-ҳаракатларни содир этишга ундашини барчамиз яхши тушунамиз.

Шу боисдан ҳам даврий нашрларимизнинг сони, сифати, берилаётган аксарият материалларнинг савияси, мазмун-моҳиятида содир бўлган ўзгаришларни инкор этмаган ҳолда биз уларни ҳозирги кун талабига тўла жавоб бериш, телетомошабин, газетхонларнинг давр билан бирга ўсиб бораётган талаби, диди, маънавий эҳтиёжини тўла қондириш, глобаллашув шароитида ёшларни турли ахборот хуружларидан ҳимоя қилишда фаол иштирокини таъминлаш борасидага ишларни янги босқичга кўратиш лозим, деб ҳисоблаймиз.

Шу масқадда Агентлик томонидан турли ташкилотлар билан ҳамкорликда оммавий ахборот воситаларида берилаётган материалларнинг савияси ва салмоғини ошириш, ёшларни турли ахборот хуружлари, оммавий маданиятнинг салбий оқибатларидан ҳимоялашга бағишланган мақолалар бериб борилишини ташкил этиш, журналистларнинг гражданлик позициясини мустаҳкамлаш, мамлакатимизнинг мустақиллигини мустаҳкамлаш, одамларимизнинг онгу тафаккурини юксалтириш, уларни Ватанимиз олдида турган улкан мақсадлар сари сафарбар этиш, журналист касбининг ижтимоий мақоми ва нуфузини юксалтириш, соҳа ходимларининг меҳнатини моддий ва маънавий рағбатлантириш борасида бир қатор тадбирларни амалга ошириб келмоқда.

Агентлик томонидан оммавий ахборот воситаларининг ёшларни миллий манфаатларимиз ва хусусиятларимизга мос келмайдиган ахборот тарқатгани, бошқа қонунбузилишларга йўл қўйилгани учун **2014 йилда 34 та, 2015 йилда 52 та, 2016 йилда 30 та** оммавий ахборот воситасининг фаолияти тугатилди.

Ўқувчи ва томошабинларга маънавий озуқа бермай, зўравонлик ва шафқатсизликни тарғиб қилиб, ёшлар ўртасида салбий иллатларга рағбатни шакллантиришга уринган 11га яқин даврий нашр ва телевидение фаолияти Агентлик даъво аризаларига мувофиқ Хўжалик Судлари қарорларига асосан тугатилди.

Ўтган йилда соҳага оид амалдаги қонунчилик талабларини бузиб келган 87 та газета, 36 та журнал, 46 та телерадиоканал, 21 та веб сайтга белгиланган тартибда тақдимнома ва кўрсатмалар киритилиб, ахборот воситалари фаолияти қонунчиликка мувофиқлаштирилди.

2011 йилдан буён ҳар йили “Ўзбекистон матбуоти” миллий форуми ва миллий кўрғазмаси ўтказиб келинмоқда. 2015 йилда аҳолининг ҳуқуқий ва сиёсий маданиятини, ижтимоий-сиёсий ҳамда ижтимоий-иқтисодий фаоллиги даражасини оширишда журналистлар иштирокини кенгайтириш, оммавий ахборот соҳасида миллий ва хорижий тажрибани ўрганиш масалаларига доир семинар-тренинглар, матбуот анжуманлари, давра суҳбатлар ўтказиб келинмоқда. 2014-2015 йилда мавзуга оид 100 дан ортиқ тадбир ўтказилиб, ОАВ вакилларининг малака ва тажрибалари оширилди.

Шу билан бирга Агентлик томонидан ўтган 2014-2015 йилларда Давлатимиз раҳбарининг “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-2124-сон Қарорига асосан Ўзбекистонда нашр этилаётган ёшлар босма оммавий ахборот воситаларининг баркамол авлодни тарбиялашга қаратилган фаолиятини такомиллаштириш бўйича тегишли чора-тадбирлар амалга оширилди.

Натижада республикада нашр этилаётган **100** га яқин ёшларга оид нашр мунтазам ўрганилиб, аниқланган камчиликларни бартараф этиш, мавзулар хилма-хиллигини ошириш, мазмунан бойитиш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқилди. Тавсиялар асосида ёшлар ҳаётига оид янги рукнлар ташкил этилгани, ўсиб келаётган ёш авлоднинг маънавий-маърифий ва интеллектуал эҳтиёжларини қондирувчи, замон талабига мос мавзуларда юқори журналистик савиядаги мақолалар салмоғи ошди.

Ёшлар муаммоси ва уларнинг ечимида давлатнинг бевосита иштироки билан боғлиқ мавзуларни ёритувчи, мулоҳазага чорловчи таҳлилий-танқидий материаллар кўпайди. Вилоят газеталари томонидан интернетдан кўчириб берилаётган материаллар камайиб, ҳудуд ёшлари ҳаётини қизиқарли ёритишга алоҳида эътибор қаратилаётгани қайд этилди.

Газеталарнинг матбаа сифати, дизайни такомиллашиб, рангли саҳифалар сони ортиб бораётгани кузатилди. Таҳририятларда нашрнинг электрон шакллари яратилиши фаоллашмоқда.

Амалга оширилаётган ишлар маҳаллий оммавий ахборот воситаларимизнинг вояга етмаганларни миллий қадриятлар руҳида тарбиялаш ва халқимизнинг турли ахборот хуружларидан ҳимоя қилишда ролини янада оширишга хизмат қилиши, шубҳасиздир.